Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 278 (20. 246) • 1988 йил 2 декабрь • жума

Баҳоси 3 тийин.

## Кеча Москвада СССР Олий Советининг навбатдан ташқари ўн иккинчи сессияси ўз ишини тамомлади

# М. С. ГОРБАЧЕВнинг якунловчи нутқи

Депутат ўртоқлар! Совет кишиларининг тақдирига дахлдор масалаларни ҳал этиш учун йиғилган СССР Олий Советининг навбатдан ташқари ўн иккинчи сессияси ўз ишини тугалламоқда. Қонун лойиҳаларини қабул қилиш XIX партия конференцияси қарорларида белгиланган, мамлакатимиз муҳтож бўлган сиёсий системани тубдан ўзгартириш йўлини очади.

СССР Олий Советида Қонун лойиҳалари муҳокама қилинганлиги — мамлакат ҳокимияти олий органи сессияларида биз аллақачондан буён тингламаган жуда катта ва муҳим сиёсий анжуман бўлди.

Депутатлар Конституцияни ўзгартириш ва янги сайлов системаси тўғрисидаги умумхалқ мунозарасини якунлай туриб, конкрет фикр-мулоҳазалар билан бир қаторда сиёсий ислоҳот ғоясининг ўзига, уни амалда рўёбга чиқариш йўлларига нисбатан ўз муносабатларини равшан изҳор этдилар. Шу жиҳатдан сессия ишининг умумий якуни битта маънони билдиради: ислоҳот етилди ва уни ҳеч кечиктирмай амалга ошириш керак.

Бизнинг муҳокамамизда қайта қуриш тақдири тўғрисида, экономикада ва ижтимоий турмушнинг бошқа соҳаларида амалга оширилаётган ўзгартишларнинг истиқболлари ҳақида манфаатдорлик билан анча батафсил гаплашиб олинганлиги жуда муҳимдир. Шу муносабат билан айтилган фикр-мулоҳазалар янги асосда ташкил этилган мамлакат ҳокимияти олий органларининг ишини авж олдириш учун яхши негиз бўлади. Партия органлари, жамоат ташкилотларимиз, раҳбар кадрларимиз депутатларнинг фикр-мулоҳазаларидан кўпгина фойдали нарсаларни топадилар. Мен шу минбарда нутқ сўзлай туриб, уларнинг эътиборини депутатларнинг нутқларида айтилган гапларга жалб қилишни истардим. Бу нутқларда биз қайта қуришнинг ҳозирги босқичида ишларни қандай юритишимиз кераклиги ҳақида фикр-мулоҳаза юритиш учун фойдали нарсалар кўп.

Бу ерда ўртага қўйилган ғоят хилма-хил масалалар орасида уч мавзу айниқса кўпроқ тилга олинди.

Бу, аввало, умуман мамлакатни ва унинг айрим регионларини ривожлантиришнинг, меҳнаткашлар турмуш шароитларини яхшилашнинг социал-иқтисодий муаммоларидир. Депутатлар мана шу энг муҳим муаммоларни ҳал этишни қайта қуришни чуқурлаштириш, корхоналарнинг хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтиши очиб берадиган имкониятлардан фойдаланиш, кооперацияни ривожлантириш, одамларнинг ташаббускорлиги ва омилкорлигига имконият яратиш, халқ хўжалиги тармоқларида ва биринчи навбатда қишлоқда ижара муносабатларини кенг жорий этиш билан ҳақли равишда боғламоқдалар. Бунда ана шуларнинг ҳаммаси сиёсий системани ислоҳ қилиш, демократиялаш ва ошкоралик билан, бутун совет халқининг ва ҳар бир кишимизнинг ижодий потенциалини намоён этиш билан чамбарчас боғлангандир.

Депутатларнинг нутқларида энг асосийси бўлган иккинчи мавзу — қайта қуришнинг устун туриши, халқимиз учун ҳаётий муҳим бўлган социализмни янгилаш жараёнини сабот билан олға силжитиш, уни барча ёт, тасодифий, иккинчи даражали нарсалардан, унинг олдида сунъий ғовларни вужудга келтириш, жамиятнинг эътиборини кейинги ўринда турадиган масалаларга чалғитиш йўлидаги уринишлардан ҳимоя қилиш зарурлигидир. Ўз-ўзидан равшанки, уни қайта қуришнинг ўзига, қайта қуриш сиёсатига ҳам ўнгдан, ҳам сўлдан қилинадиган бевосита хуружлардан ҳимоя этиш зарур.

Жамиятимиз олдида, улуғ мамлакатимизда яшовчи барча халқлар олдида турган бош муаммоларни ҳал этиш усуллари қайта қуриш ўзанидагина, фақат шу йўлдагина топилиши мумкин. Ўртоқлар, бу — жуда муҳим хулоса, сиёсий жиҳатдан тасдиқлаш бўлиб, биз бунга ўтган уч йил мобайнида машаққатлар билан эришдик. Буни бу ерда Олий Совет депутатларининг умумий фикри ҳам тасдиқлади.

Ниҳоят, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, Иттифоқ билан республикаларнинг ваколатларини аниқ белгилаш учинчи мавзу бўлди. Бу мавзу шунинг учун ҳам яхши ва фойдалики, СССР Олий Совети, у билан бирга бутун мамлакат ҳам ҳаётий муҳим масалалар хусусида ўз позициясини жуда аниқ таърифлаб, иттифоқдош ва автоном республикалар, бошқа миллий тузилмалар ҳокимиятининг олий органлари вакиллари бўлмиш ўртоқларимизнинг далилларини чамалаб кўришлари мумкин. Шу минбарда туриб билдирилган турли нуқтаи назарларни юмшатишга ёки умумий бир кўрсаткичга олиб келишга асло ҳаракат қилмай, энг асосий нарсани таъкидламоқчиман — нотиқлар: «Мустаҳкам иттифоқ — бақувват марказ ва бақувват республикалардир», — шиори барча халқларимизнинг манфаатларига мос келади деган якдил фикрда бўлдилар. **(Қарсаклар).** Бунда бизнинг тушунишимиздаги иттифоқ — биргаликдаги барча республикалардир, бошқача сўзлар билан айтганда, федерациямизнинг биронта ҳам аъзоси ҳисоблашмаслиги мумкин бўлмаган ана шу республикаларнинг муштарак манфаати ва коллектив иродасидир.

Ўртоқлар, биз ушбу сессиядан шундай комил ишонч ҳосил қиламизки, бизнинг умумий хонадонимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқида барча миллат ва элатлар ўзларини яхши ҳис этишлари, ўзларининг совет миллий анъаналарини, тили, маданиятини эркин ривожлантириш имкониятига эга бўлишлари, турмушнинг барча соҳаларида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашлари, ленинча интернационализм меросини авайлаб-асраб кўпайтиришлари учун куч-ғайратларни аямаслик керак, деб айтиш тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Мамлакатимизнинг барча халқлари шунга комил ишонч ҳосил қилишлари керакки, ССР Иттифоқида уларни ташвишга солаётган муаммолар ҳурмат ва ҳамжиҳатлик асосида қардошларча ҳал этилади. Бунда гап қандайдир олис давр тўғрисида эмас, балки бу масалаларни Марказий Комитетнинг келгуси йил июнь ойида бўладиган Пленумида муфассал кўриб чиқиш нияти тўғрисида боряпти, қолаверса, ҳали Пленумгача кўпгина муаммолар ҳам борки, улар эртагаёқ, кейинги кунлар ва ойларда ҳал қилиниши, сўнгра эса улар янгидан тузилган давлат структуралари доирасида мустаҳкамланиши лозим.

Бизда ҳозиргина СССР Олий Совети Президиуми бўлди. Бу мавзу Президиумда ҳам рўй-рост ва чуқур манфаатдорлик билан муҳокама қилинди. Мен ўртоқларга биз марказда ҳам, республикаларда ҳам бир-биримиздан шубҳаланишдан холи бўлишимиз керак, дедим. Баҳсларда, ўртоқлар билан, республикаларнинг вакиллари билан учрашувларда ана шундай ўзаро шубҳа мавжудлиги сезилиб турибди. Республикаларда уларга нисбатан қандайдир «Кремлнинг сирлари» тўғрисида ўйламоқдалар, марказда эса республикалар томонидан қўйилган масалаларни кўпинча ўринсиз ҳисобламоқдалар. Бундан қутилиш керак, ўртоқлар.

Агар биз Октябрда танлаб олган йўлимизга содиқ бўлсак, агар биз ўшанда бошланган ишни давом эттиришни, мамлакатимизни социализм принциплари асосида янгилашни хоҳласак, агар биз ленинча принципларга асосланган халқлар дўстлиги, қайта қуриш тарафдори бўлсак — у ҳолда барча масалалар юзасидан ўзаро келишиб оламиз ва уларни ҳал қиламиз. Бу — энг муҳимидир. Агар кимдир бошқа позицияда турган бўлса, унинг иттифоқимиз тўғрисида жон куйдиришига, марказ билан республикалар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш тўғрисида, мамлакатимизда барча халқлар ва элатларга ҳамда қаерда яшашидан қатъи назар ҳар бир миллатга мансуб киши яхши яшаши тўғрисида жон куйдиришига умид қилиш қийин. Бундай кишиларни биз ўз жойига ўтқазиб қўйишимиз керак. **(Қарсаклар).** Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу соҳадаги барча ишлар марказий ва республика партия ҳамда давлат органларининг, жамоат ташкилотларининг, олимларнинг, мутахассисларнинг, кенг жамоатчиликнинг қалин ҳамкорлигида олиб борилади, ошкора ва рўй-рост ўтади.

Яширишга ҳожат йўқ, биз марказдагилар яхши сабоқ олдик. Ислоҳотнинг дастлабки босқичи масалаларини муҳокама қилиш чоғидаги кечинмаларимиздан ҳаммамиз сабоқ олдик, деб ўйлайман. Биласизларми, бунингсиз иш бўлмайди. Бошқа масалаларда ҳам дакки эшитсак керак. Лекин принципиал позицияларда туриш, республикалар ва иттифоқ ўртасидаги, ҳар бир республикада эса — унда яшовчи барча халқлар ўртасидаги ишончни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш муҳимдир.

Муҳокама шуни кўрсатдики, ҳужжатларни тайёрлаш чоғида ҳамма нарса пухта ўйлаб кўрилганида эди, кўпгина ноаниқликларга йўл қўйилмаган, Олий Совет учун мақбул формулалар топилган бўлур эди. Бу бир томондан. Иккинчи томондан эса, ҳозирги вақтда мақбул ҳисобланаётган ва ҳатто мамлакатни демократиялаш жараёнини давом эттириш учун зарур деб ҳисобланаётган кўпгина жиҳатлар дастлабки босқичда саволларни келтириб чиқарган эди. Нима учун шундай бўлди? Чунки биз буни тегишинча тушунтириб беришни лозим топмадик.

Демак, марказда ҳамон ўша эски одат: ҳечқиси йўқ, шундайлигича ҳам ўтаверади, деган эски одат устунлик қилмоқда. Шу сабабли мен яна такрорлайман: биз ҳаммамиз ҳозир катта мактабдан ўтяпмиз, унда сабоқларни ҳамма яхши ўзлаштириб олиши лозим.

Конституцияга ўзгартишлар киритиш ва халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонунларнинг қабул қилиниши демократиялаш ва халқнинг ўзини-ўзи бошқариши негизида совет давлатчилигини ривожлантиришда янги босқични бошлаб беради. Уларда жуда кўп янгиликлар бор. Бу жуда зарур, чунки қайта қуришнинг ўзи — ностандарт, одатдан ташқари қарорлар қабул қилиш давридир, кечаги ақидаларни бузиб ташлаш ва изланиш давридир. Биз буларни яхши эсда тутишимиз керак, ўртоқлар. Лойиҳалардаги халқ депутатлари съезди, жамоат ташкилотлари вакиллиги, доимий ишлаб турадиган Олий Совет, сайловларда бир хил номзодлар каби ва бошқа янги жиҳатлар бирданига тушуниб етилмаганлиги ва қўллаб-қувватланмаганлигининг сири менимча ана шунда бўлса керак. Ҳаётнинг мантиқи ана шундай, янгича қарорларнинг салмоғи ана шундай.

Шу билан бирга бу қарорларнинг кераклигига ишончимиз комил. Бу қарорлар шунинг учун ҳам керакки, улар одамларнинг ғайрати ва ташаббусини авж олдиради, сиёсий турмушда ҳар ким ўз сўзини айтишига имкон беради, давлатга халқ манфаатларини яхшироқ мужассамлаштириш ва ифодалаш имконини яратади.

Сиёсий ислоҳотнинг барча тафсилотларини, ҳамма жиҳатларини ҳозир олдиндан кўра билиш қийин албатта. Кеча ҳам, ундан олдинги кунда ҳам депутатлар биз бирданига кам-кўстсиз, ҳамма жиҳатдан мутлақо мукаммал ҳужжатларни тайёрлай олмасак керак, деб тўғри гапирган эдилар. Қайта қуриш каби ўтиш даврида Владимир Ильич Лениннинг «Биз ҳеч маҳал умуман ўз ишимизни ва хусусан ўз Конституциямизни бекамукўст ва мукаммал деб ҳисоблаганимиз йўқ», деган сўзлари қайта-қайта хотирамга келмоқда. Башарти тажриба сайловни ташкил этишга, жамоат ташкилотлари вакиллигига, палаталар ёки депутатлар ишига, қандайдир бошқа жиҳатларга ўзгартиш киритиш зарурлигини кўрсатса — бундай имконият бўлиши равшан.

Шуни кўзда тутиш лозимки, биз жамиятнинг барча миллий, территориал ва социал манфаатларини, фикрлар, қарашлар, эҳтиёжларнинг бутун хилма-хиллигини акс эттирадиган янги, жуда мўътабар ҳокимиятнинг ваколатли органини тузяпмиз. Табиийки, бундай орган — СССР халқ депутатларининг съезди ва съезд сайлайдиган доимий ишлаб турувчи Олий Совет зарур бўлган тақдирда ҳозир тавсия этилаётган давлат механизмига аниқлик киритиб, уни мақбуллаштириши мумкин бўлади.

Шуни яна ва яна такрорламоқчиманки, ҳозирги пайтда XIX партия конференцияси белгилаб берган сиёсий ислоҳотни бошлаб юбориш, олға томон ҳаракат қилиш, ана шу ишни жадаллаштириш муҳимдир. Қонун лойиҳаларининг қабул қилиниши айни пайтда биз ана шу сиёсий ислоҳотнинг марказ билан иттифоқдош республикалар муносабатларини уйғунлаштириш масалаларига ҳам дахлдор бўлган янги босқичига қадам қўяётганлигимизни билдиради.

Депутат ўртоқлар!

СССР Олий Советининг ҳозирги состави ўзининг сўнгги сессиясини ўтказмоқда. У халқ депутатлари съезди мамлакат ҳокимияти янги олий органини сайлагунга қадар ўз вазифаларини бажараверади, ҳамма депутатлар ҳам ишлайверади ва ҳаракат қилаверади, албатта.

Аммо шошилинч равишда СССР Олий Советининг сессиясини чақириш зарурати туғилмаса, бугунги мажлис унинг бой сиёсий биографиясидаги якунловчи ҳужжат бўлади.

Олий Совет ишининг якунларига баҳо бериш — меҳнаткашларнинг иши. Депутатларнинг бу состави қилган ишларга ҳаётнинг ўзи ҳам баҳо беради. Бу ерда эшитганингиздек, уларнинг фаолиятига турлича баҳо берилди. Очиғини айтаман, мазкур Олий Совет ва унинг депутатлари шанига айтилган баъзи гапларни мутлақо боадаблик, деб бўлмайди ва улар депутат сифатида шахсан менга ҳам тегиб кетди. Нима учун шундай бўлди! Чунки шуни яққол айтиш мумкин: айни мана шу чақириқ Олий Совет қисматига мамлакатимизнинг революцион қайта қуриш йўлига ўтиши, совет жамиятини янгилаш билан боғлиқ бўлган қарорлар қабул қилишдек улкан масъулият тушди. Партия Марказий Комитети ҳам депутатлар XXVII съезд белгилаб берган йўлни фаоллик билан қўллаб-қувватлаганликларини, бу йўлни амалий сиёсат изига солиб юбориш учун кўп иш қилганликларини юқори баҳолайди. Бу — буюк ишдир. **(Қарсаклар).**

Давлат социалистик корхонаси тўғрисидаги Қонун, кооперация тўғрисидаги Қонун каби, сиёсий ислоҳотга қудратли омил бахш этадиган бугунги Қонун лойиҳалари каби асосли қарорларимизни эслатиб ўтишнинг ўзи кифоя. Мамлакатимиз тарихида ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг аҳамияти ана шу муҳим босқичлар билан белгиланади.

Қадрли ўртоқлар, сизлар сиёсий ҳаётда фаол иштирок этаверасизлар, қайта қуриш вазифаларини амалга ошириш учун, биз шу вақтга қадар қабул қилган ва мазкур сессияда қабул қиладиган қарорларимизни рўёбга чиқариш учун курашаверасизлар, деб қатъий ишонч билдиришга рухсат этгайсиз. **(Қарсаклар).**

# СИЁСИЙ СИСТЕМАНИ ЯНГИЛАШ ЙЎЛИДАН

Давлат ҳокимияти олий органининг депутатлари мамлакатни, совет жамиятини ривожлантириш, социалистик демократияни чуқурлаштириш, сиёсий системани ислоҳ қилиш йўлларини уч кун мобайнида принципиал равишда, фаол, ўткир муаммоларни четлаб ўтмай, муҳокама этдилар.

СССРнинг миллионлаб гражданлари кенг ошкоралик вазиятида муҳокама қилган Қонун лойиҳалари ҳар томонлама кўриб чиқилди. Депутатлар Қонун лойиҳаларига сайловчиларнинг номидан ва уларнинг хоҳиш-иродасига кўра зарур тузатиш ва қўшимчалар киритишди, шундан кейин ҳужжатлар қабул қилинди, улар СССР қонунлари бўлиб қолди. Бу Қонунлар социалистик ҳуқуқий давлатни барпо этишга, XIX партия конференцияси қарорларини амалда рўёбга чиқаришга қаратилган қайта қуриш йўлидаги янги қадамни таъминлаши лозим.

1 декабрь куни Катта Кремль саройида ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг навбатдан ташқари ўн иккинчи сессияси ўз ишини давом эттирди. Кундуз соат 12 да Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг тўртинчи қўшма мажлиси бошланди. Мажлисда **М. С. Горбачев, В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. П. Никонов, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, В. В. Шчербицкий, А. Н. Яковлев, А. П. Бирюкова, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Ю. Д. Маслюков, Г. П. Разумовский, Ю. Ф. Соловьев, Н. В. Тализин, Д. Т. Язов, О. Д. Бакланов** иштирок этдилар.

Раислик қилувчи — Иттифоқ Совети Раиси **Ю. Н. Христораднов** КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари, Иттифоқ Совети Қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссиясининг раиси **Г. П. Разумовский**га сўз беради.

## Г. П. РАЗУМОВСКИЙ нутқи

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

СССР Олий Советининг топшириғига кўра Қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссиялари депутатларнинг мазкур сессияда СССР Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳамда СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонунлар лойиҳаларига тааллуқли таклиф ва мулоҳазаларини кўриб чиқди, Кўриб чиқиш натижалари тўғрисида СССР Олий Совети Президиумига ҳисобот берилди, Президиум комиссиялар чиқарган хулосаларни қўллаб-қувватлади.

Аввало шуни айтишни истар эдикки, депутатларнинг барча таклифларида (маълумки, 37 киши сўзга чиқди) Қонун лойиҳаларининг айрим моддаларини яна ҳам аниқроқ, яна ҳам равшанроқ қилиш истаги ўз ифодасини топди, бундан мақсад ушбу Қонун лойиҳалари халқ манфаатларини, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ғояларини тўлароқ акс эттиришдан иборатдир.

Комиссиялар бир қанча қўшимчалар ва тўлдиришларга розилик бериш мумкин, деб ҳисобламоқда.

Депутатларнинг конкрет таклифлари ҳусусида коллектив бўлиб ишлаб чиқилган фикрни айтишга ижозат бергайсиз.

М. С. Горбачев докладида, шунингдек айрим депутатларнинг нутқларида депутатларнинг СССРнинг янги Олий Советидаги иши билан боғлиқ бўлган масалалар кўтарилган. СССР Олий Советига аъзолик вазифаларини меҳнат коллективларидаги иш билан қўшиб олиб бораётган депутатларнинг профессионал манфаатларини яхшироқ ҳисобга олиш тўғрисидаги истак айтилган эди. Шунинг учун ҳам СССР Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси 124-моддасининг 2-қисмини қуйидагича ифодалаш таклиф этилмоқда: СССР Олий Советига сайланган халқ депутатлари, илгари айтилганидек, СССР Олий Советидаги ўз ваколатининг бутун даврида хизмат ёки ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришдан озод қилинмайдилар, балки озод қилинишлари мумкин. Хизмат ёки ишлаб чиқариш вазифаларидан озод этилган депутатлар қанча бўлади — эҳтимол, ҳаммаси, балки бир қисмигина озод бўлар—буни бўлажак Олий Совет ҳал қилади.

Маълумки, кўпчилик депутатлар ўз нутқларида иттифоқдош республикалар суверенитетини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш масалаларига тўхталдилар. Масалан, депутатлардан В. С. Шевченко, Ғ. П. Паллаев идоравий актлар сабабли республика ваколатларининг бузилиши муносабати билан иттифоқдош республиканинг СССР конституцион назорат комитетига мурожаат қилиши ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисидаги масалани ўртага қўйдилар. Бу таклифни Конституция лойиҳаси 125-моддасининг 2 ва 4-бандларида ҳисобга олиш мумкин бўлур эди. У ҳолда мазкур таклифни конституцион назорат комитетига, иттифоқдош республикалар давлат ҳокимияти олий органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар рўйхатига киритиш лозим бўлади. Бунда конституцион назорат комитетининг ўзи қонун чиқариш ҳуқуқига эга бўлади. (114-модда).

Латвия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. В. Горбунов нутқида СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети таркиб топаётганида иттифоқдош республикалар манфаатини ҳисобга олиш тўғрисидаги масалани ўртага қўйди.

Шу муносабат билан 111-модданинг 4-қисми 2-жумласини қуйидагича ифодалаш таклиф этилади:

Иттифоқ Совети **иттифоқдош республикадаги ёки регионадаги сайловчилар сонини ҳисобга олиб,** территориал сайлов округларидан сайланган СССР халқ депутатлари ва жамоат ташкилотларидан сайланган СССР халқ депутатлари орасидан сайланади.

Депутат Д. И. Патиашвили СССР Конституцияси 119-моддаси 13-бандининг таҳририни ўзгартириш тўғрисидаги таклифини инобатга олиб, Конституциянинг 119-модда 13-бандини қуйидагича ёзиш мақсадга мувофиқ бўлур эди: СССР Олий Совети Президиуми «СССРни ва унинг гражданлари хавфсизлигини ҳимоя қилиш манфаатларини ҳисобга олиб, бутун мамлакатда, шунингдек айрим жойларда ҳарбий ҳолат ёки фавқулодда ҳолат эълон қилиши мумкин — **бунда мазкур масала тегишли иттифоқдош республика Олий Совети Президиуми билан биргаликда кўриб чиқилиши шарт;** СССР Олий Совети Президиуми кўрсатилган ҳолларда ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар давлат органлари амалга оширадиган бошқарувнинг алоҳида формаларини жорий этиши мумкин».

Депутатлардан В. К. Месяц ва В. А. Коптюг халқ депутатлари Советларига уларнинг компетенциясига тааллуқли масалалар юзасидан регионал референдумлар ўтказиш ҳуқуқини бериш тўғрисида таклиф киритдилар. Мазкур таклиф социалистик демократияни ривожлантириш манфаатларига мос бўлиб тушади. Шунинг учун ҳам 91-модданинг 1-қисмини қуйидагича таҳрирда баён этиш таклиф этилади: «Умумиттифоқ, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик энг муҳим масалалар халқ депутатлари съездлари мажлисларида, Олий Советлар ва маҳаллий Советларнинг сессияларида ҳал этилади **ёки кўриб чиқиш учун улар томонидан референдумларга қўйилади»**.

Комиссиялар мақсадга мувофиқ деб топаётган таклифлар орасида 91-моддани қуйидагича кўрсатма билан тўлдириш тўғрисидаги таклиф ҳам бор: «ҳар қандай мансабдор шахс, у ўз хизмат вазифаларини зарур даражада бажармаган ҳолларда эгаллаб турган лавозимидан муддатидан илгари озод қилиниши мумкин».

Бир қанча ўртоқлар сайловчилар ўзлари яшаб турган жойда овоз беришлари керак деган мулоҳазани айтган эдилар. Шу муносабат билан овоз бериш ҳуқуқини берадиган гувоҳномадан воз кечиш таклиф этилган эди. Вақтинча доимий истиқомат жойларида яшамаётган гражданларни овоз беришдан четлатиш аслида минг-минглаб одамларни сайлов ҳуқуқидан маҳрум этган, уларни ўринсиз ранжитган бўлур эди.

Шу билан бирга комиссиялар йирик темир йўл ва автомобиль станциялари, аэропортлар, денгиз ва дарё портлари, меҳмонхоналар ва поездларда овоз беришни ўтказмаслик тўғрисидаги таклифга рози бўлиш имконияти бор деб ҳисоблайди, чунки ана шундай овоз бериш ҳақиқатан ҳам расмиятчилик тусида бўлади, Шу муносабат билан СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонуннинг 19, 20, 52-моддаларига аниқликлар киритилмоқда.

Депутатларнинг айрим таклифлари комиссиялар лойиҳалар текстларига илгарироқ киритган тузатишларда ўз аксини топди.

Масалан, депутат А. Н. Фадеевнинг фақат Советларгагина эмас, уларнинг Президиумларига ҳам округ сайлов комиссияларини тузиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги таклифи СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонун лойиҳасининг 24, 26-моддаларида ва бошқа моддаларида ҳисобга олинган.

Депутат В. П. Ефремовнинг СССР конституцион назорат комитети составини кенгайтириш тўғрисидаги таклифи СССР Конституциясининг 125-моддасига тузатишларда ҳисобга олинган.

Депутат И. И. Жирнов жамоат ташкилотларининг бошланғич бўғинларини активлаштириш, уларнинг номзодларни танлаш ва кўрсатишга таъсирини кучайтириш муҳимлигини таъкидлаган эди. Бу таклиф Конституция лойиҳасининг 100-моддаси янги таҳририда ҳисобга олинган.

Депутат С. Б. Татлиев СССР Конституциясининг 94-моддасида юқори Советларнинг қарорларини қуйи Советларнинг бажариши мажбурий эканлиги тўғрисидаги талабни акс эттиришни зарур деб ҳисоблайди. Мазкур принцип СССРнинг амалдаги Конституцияси 3-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Депутат В. Д. Жиловскийнинг Қонунлар лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига қўйишга оид таклифига келганда, бу СССРнинг амалдаги Конституцияси 5-моддасида назарда тутилган.

Депутат Р. Ҳ. Ҳабибуллиннинг мансабдор шахслар ўз хизмат фаолиятларини тўхтатганида уларни халқ депутатлари қилиб сайлаш тўғрисидаги таклифи СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонун лойиҳасининг 40-моддасига киритилган тузатишларда ҳисобга олинган.

Депутатлардан В. И. Казаков, А. М. Масалиев, А. Н. Фадеевнинг СССР халқ депутатларини нисбатан кўпчилик овоз билан сайлаш тўғрисидаги таклифлари қисман ҳисобга олинди, чунки қайта овоз беришда сайлов натижалари худди ана шундай тарзда аниқланмоқда.

Сессияда сўзга чиққан кўпчилик депутатлар ҳозир муҳокама қилинаётган Қонун лойиҳалари доирасидан чиқиб кетадиган у ёки бу тузатишларни таклиф этдилар. Комиссияларнинг фикрича, кўпчилиги амалий тусда бўлган ана шу таклифларни ҳам ССР Иттифоқи, ҳам иттифоқдош республикаларда бундан кейинги Қонунларни тайёрлаш жараёнида ҳисобга олиш мумкин ва лозим.

Депутатлардан В. С. Астраускас, Т. А. Жумаканов, Ю. Н. Прокопьев, Н. И. Попов, Л. М. Данильченко, А. Г. Костенюк ва бошқалар маҳаллий Советларнинг реал тўла ҳокимиятини тиклаш тўғрисидаги масалаларни кўтардилар. Бу ўринда гап, жумладан, тегишли территориядаги хўжалик фаолияти ва социал-маданий фаолият Советларнинг розилиги билан амалга оширилиши зарурлиги ҳақида борди. Жойлардаги ҳокимият органлари вазифаларини кенгайтириш, қишлоқ Советларининг ролини ошириш, наказлар билан ишлашни яхшилаш таклиф этилди.

Комиссиялар ана шу ва шунга ўхшаш таклифларни диққат билан ўрганиб чиқиш ва қўллаб-қувватлаш лозим деб ҳисоблайдилар, бу таклифларнинг ҳаммаси докладдаги қуйидаги қоидани яна бир карра тасдиқлаб турибди: маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжалик тўғрисидаги СССР Қонунини тайёрлаш ишини пайсалга солиш мумкин эмас.

Ўртоқ А. В. Горбунов иттифоқдош республикаларга Конституцияга ва республикаларнинг қонунларига зид бўлган СССР Министрлар Совети, иттифоқ министрликлари ва идоралари актларини рад этиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида гапирган эди. Бу таклиф 125-моддада қисман ҳисобга олинган, бу ҳақда биз юқорида гапирган эдик. Умуман эса, бу таклифни иттифоқдош республикалар ҳуқуқларини кенгайтириш билан боғлиқ бўлган бошқа муаммолар қаторида кўриб чиқиш лозим бўлур эди.

Депутатлардан В. С. Мавликов, Н. П. Отке, Ю. Н. Прокопьев, Г. П. Паллаев, Р. Х. Ҳабибуллин автономияларнинг СССРнинг олий ҳокимият органидаги ваколатлари тўғрисидаги айрим масалаларни, шунингдек автоном тузилишларнинг ҳуқуқий статуси тўғрисидаги бир қанча масалаларни ўртага қўйдилар. Булар муҳим масалалардир, деб ўйлаймиз, сессияда келишиб олинганидек, мазкур масалаларни миллий-давлат тузилишимизнинг муаммолари умумий комплексида пухта ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Депутатлардан З. П. Пухова, В. С. Мавликов, А. М. Масалиев, В. И. Мироненко ва бошқалар СССР халқ депутатлари съезди, СССР Олий Совети ва у тузадиган депутатлар органларини ташкил этишга ва улар фаолиятига тааллуқли бир қанча масалаларни ўртага қўйдилар. Марказдаги давлат ҳокимиятининг тўла демократизми, унинг таъсирчанлиги тўғрисидаги ғамхўрлик тушунарли ва асослидир. СССР Конституциясига киритиладиган ўзгаришлар ва қўшимчаларда бунинг асосий кафолатлари мужассамлашган. Аммо депутатлар ана шу кафолатларни кучайтириш зарурлигини таъкидламоқдалар, комиссиялар буни адолатли деб ҳисоблайдилар. Шу хусусдаги кўпчилик таклифлар, бизнинг фикримизча, халқ депутатлари съезди ва Олий Совет регламентида, Олий Совет комитетлари ва палаталар комиссиялари тўғрисидаги, СССР халқ депутатларининг статуси тўғрисидаги ва СССР халқ депутатини чақириб олиш тўғрисидаги Қонун актларида ва бошқа ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилиши мумкин бўлур эди.

Турли нуқтаи назарлар, баъзан эса бир-бирига зид нуқтаи назарлар баён этилган масалалар хусусида тўхтаб ўтишни истар эдик.

Баъзи депутатларнинг нутқларида жамоат ташкилотларидан халқ депутатлари съездларида бевосита вакилликнинг мақсадга мувофиқлиги шубҳа остига олинди. Айни вақтда депутатлардан К. Ю. Лавров, В. С. Шевченко, В. И. Мироненко, К. Турисов, Н. И. Попов, Р. С. Бобовиков нутқларида ва бошқа бир қанча нутқларда территориал округлар ва жамоат ташкилотларидан вакиллик халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Советининг имкониятларини кенгайтиради, жамиятдаги социал манфаатларнинг хилма-хиллигини тўғри ифодалашга, уларни келишиб олишга имкон беради, деб таъкидланди. Бу мулоҳазалар кўпчилик депутатларнинг фикрини акс эттиради. Комиссиялар бу фикрга тўла-тўкис қўшилади.

**(Давоми иккинчи бетда).**

